

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**Рўйхатга олинди:**

**№ БД – 5410200 – 4.02**

**2016 йил «8» 02.**

**Олий ва урта маҳсус таълим  
вазирлиги**

**2016 йил «25» 02**

**ЭКИНЛАРИНИ СУГОРИШ ВА СУГОРИШ  
ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100000 – Гуманитар соҳа
	400000 – Кишлоқ ва сув хўжалиги
Таълим соҳаси:	110000 – Педагогика
	410000 – Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
Таълим йўналиши:	5410200 – Агрономия (дехқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
	5111000 – Касб таълими (Агрономия (5410200 – дехқончилик маҳсулотлари турлари бўйича))

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил «25» 08 даги 355-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил «8» 08 даги 3-сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат аграр университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:**

**Артуқметов З.А.** – Дехқончилик ва қишлоқ хўжалиги мелиорацияси кафедрасининг доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

**Тақризчилар:**

**Бегматов И.** – Тошкент ирригация ва мелиорация институти Қишлоқ хўжалиги гидротехник мелиорацияси кафедраси мудири, доцент, техника фанлари номзоди (*турдош OTM*);

**Ниязалиев Б.И.** – Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти катта илмий ходими, қ.х.ф.н. (*Кадрлар буюртмачиси*).

Фан дастури Тошкент давлат аграр университети Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил «24» 06 даги 2-сонли баённома).

## **КИРИШ**

5111000 – Касб таълими (Агрономия (5410200 – дәхқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) ва Агрономия (дәхқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) таълим йўналишларининг Давлат таълим стандарти ва намунавий ўқув режасида «Экинларни суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш» фанини ўқитиш кўзда тутилган бўлиб, фаннинг ушбу ўқув дастури суғориладиган дәхқончиликнинг умумий масалалари, республика-нинг сув ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш, сувларнинг сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режимлари ва уларни бошқариш, суғориш турлари, ноўсув давридаги суғоришлар, суғориладигани ерларни районлаштириш, иқлим миңтақалари, гидрогеологик ва гидромодуль районлар бўйича экинларни суғориш режими ва ўлчамлари, суғоришнинг истиқболли усуллари ва техникасидан ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғоришни ташкил этиш ва амалга ошириш, суғориш тизимларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш, тизимни такомиллаштириш, механизациялаш ва автоматлаш, уларни қайта қуриш ва фаолиятини яхшилаш, сув ўлчаш ва тақсимлаш, тизимда сув исрофгарчилигига қарши кураш, сувдан фойдаланиш режаларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш, сув ҳисоб-китобини олиб бориш, соҳада татбиқ этилаётган инновацион технологиялар каби масалаларни қамраб олган.

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

**Фанни ўрганишдан мақсад** талабаларни суғориладиган дәхқончиликда тупроқ ва ўсимликларнинг сув режимини бошқариш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғоришнинг истиқболли усуллари ва техникасидан ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғоришни ташкил этиш ва амалга ошириш, суғориш тизимларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш, тизимни такомиллаштириш, механизациялаш ва автоматлаш, уларни қайта қуриш ва фаолиятини яхшилаш, сув ўлчаш ва тақсимлаш, тизимда сув исрофгарчилигига қарши кураш, сув ҳисоб-китобини олиб бориш масалалари бўйича йўналиш профилига мос билимлар даражаси билан таъминлашдан иборатdir.

**Фаннинг вазифалари** бўлиб талабаларда суғориладиган дәхқончиликнинг умумий масалалари, тупроқдаги сув шакллари ва тупроқнинг сув-физик хоссалари, сув ресурслари, манбалари, сувларнинг сифати ва уларнинг суғориш учун яроқлилиги, суғоришнинг тупроқка, микроиқлимга ва ўсимликларга таъсири, суғориш турлари, ноўсув давридаги суғоришлар, ўсимликларнинг сув режими, суғориладигани ерларни районлаштириш, экинларни суғориш режими ва ўлчамлари, суғориш усуллари ва техникаси, суғориш тизимларининг турлари, уларни ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш, мавжуд суғориш тизимларини такомиллаштириш,

гидромелиоратив тизимларда сув исрофгарчилиги ва унга қарши кураш, сув ўлчаш ва тақсимлаш, суғоришни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича янги ташкилий услубларни жорий этиш, сувдан фойдаланиш режаларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш каби масалалар бўйича амалий кўникмалар шакллантириш ҳисобланади.

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

«Экинларни суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш» фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- минтақадаги сув хўжалик муаммолари, сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар, суғориладиган дехқончиликнинг умумий масалалари, тупроқдаги сув шакллари ва тупроқнинг сув-физик хоссалари, минтақадаги сув ресурслари ва суғориш суви манбалари, суғориладигани ерларни районлаштириш тамойиллари, экинларни суғориш усуллари ва техникаси, суғориш тизимларининг турлари, суғориш тизими-нинг техник ҳолатига қўйилган талаблар, суғоришни механизациялаш, гидромелиоратив тизимлардан самарали фойдаланиш каби масалалар бўйича **тасаввурга эга бўлиши;**
- ўсимликларнинг сув режимини бошқаришни;
- суғоришнинг тупроқ, микроиқлим ва ўсимликларга таъсири ҳамда уларни бошқаришни;
- сув ресурсларининг антропоген таъсирда ўзгариши ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олишни;
- суғориладиган ерларнинг сув режими ва балансини аниқлашни;
- тизимда гидрометрия ва диспетчерлик хизматини ташкил этишни;
- суғориш тизимларини қайта қуриш ва яхшилашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- сувларнинг сифати, суғориш учун яроқлилиги, сув сифатини яхшилаш;
- чиқинди ва минераллашган коллектор-зовур сувларидан самарали фойдаланиш;
- суғориш турлари ва ноўсув давридаги суғоришларни қўллаш;
- экинларни ҳисобий суғориш режимини аниқлаш ва суғориш режими ведомостини тузиш;
- экинларни суғориш муддатларини белгилаш услубларини танлаш;
- суғориш гидромодулини аниқлаш ва графигини тузиш;
- экинларни суғориш режими ва ўлчамларини аниқлаш **кўникмаларига эга бўлиши;**
- шўрланган ва эрозияга учраган ерларда экинларни суғориш;

- әқинларни қулай суғориш усуллари ва техникасини танлаш ва қўллаш;
- суғориладиган далаларда сув исрофгарчилиги сабаблари ва унга қарши курашиш;
- сув ўлчаш асбобларининг тузилиши, мувакқат тармоқларда сув сарфини ҳисоблаш;
- суғоришни ташкил этиш ва сувдан фойдаланишнинг ҳисоби ҳамда назоратини юритиш *малакаларига эга бўлиши* керак.

## **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

«Экинларни суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш» ихтисослик фани бўлиб, ўқув жараёнининг VII семестрида ўқитилади.

Дастурни самарали амалга ошириш учун ўқув режасида кўзда тутилган Ботаника ва ўсимликлар физиологияси, Физика ва агрометерология, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент асослари, Тупроқшунослик ва Агрокимё, Дехқончилик илмий изланиш асослари битлан, Мелиорация ва Ер тузиш, Дехқончилик тизимлари, Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш, Ўсимликшунослик ва Пахтачилик фанларидан етарли даражада билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Суғориладиган дехқончилик Республикасининг қургоқчил минтақасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштирувчи асосий йўналишлардан бири ҳисобланади: этиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми – 97 фоизи суғориладиган ерлардан олинмоқда.

Республиканинг қудратли ва мураккаб сув хўжалик мажмуасида амалга оширилаётган ислохотлар, суғоришга жорий этилаётган инновацион технологиялар, атроф мұхит, шу жумладан сув ресурслари таназзуллининг кучайиши ушбу соҳа мутахассислари ишига ҳам қўшимча талаблар қўймоқда. Шу сабабдан ушбу фан ихтисослик фани бўлиб, суғориладиган дехқончиликнинг ажралмас бўғини ҳисобланади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг «Экинларни суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш» фанини самарали ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илфор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги ахборот педагогик технологиялари татбиқ этилади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материал

лар, плакат ва виртуал стендлар, суғориши машиналари ва агрегатларининг намуналари, суғориши тармоқларининг макетларидан кенг фойдаланилади.

Маъруза ва амалий машғулотларда ўқитишнинг кейс-стади ва интерфаол методлари, муаммоли ва ўйинли ўқитиш технологиялари, танқидий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик стратегиялари; шахсий йўналтирилганлик ҳамда ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар; табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ўқитиш технологиялари, дастурий ўқитиш технологияси, ўқитишнинг комплекс методлари (лойиҳавий метод, тармоқли режалаштириш методи, ақлий ҳужум, ассоциограммалар методи)дан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **Кириш. Суғориладиган дехқончиликнинг умумий масалалари**

Экинларини суғориши ва суғориши тизимларидан фойдаланиш фанининг мазмуни ва вазифалари. Суғориши ҳақида умумий тушунчалар. Суғориладиган дехқончилик ва суғориши тизимларидан фойдаланишнинг тарихи, ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари. Суғориладиган дехқончиликни ривожлантириш, суғориши тизимларини такомиллаштириш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга доир Қонунлар, Президент ва Ҳукумат қарорлари ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар.

Жаҳон мамлакатларида суғориладиган дехқончилик. Суғориладиган дехқончиликни ривожлантириш, суғориши тизимларини такомиллаштириш ва сув-дан оқилона фойдаланиш соҳасида атоқли олимларнинг хизматлари.

#### **Тупроқдаги сув шакллари ва тупроқнинг сув-физик хоссалари**

Тупроқдаги сув шакллари (эркин сув, мустаҳкам боғланган, бўш боғланган, бугсимон ва кимёвий бириккан сув) ва уларнинг ўсимликлар учун аҳамияти. Тупроқнинг сўлиш намлиги. Тупроқнинг тўлиқ, чегаравий ва энг кам нам сифимлари, сув бериш, ўтказиш ва кўтариш хусусиятлари, ҳажмий оғирлиги ва уларни суғориладиган дехқончиликдаги роли.

#### **Сув ресурслари ва суғориши суви манбалари**

Сув ресурслари. Ер усти сувлари: дарёлар, сойлар, кўллар, сув омборлари. Дарёларнинг сув билан тўйиниши ва уларнинг аҳамияти. Ер ости сувлари. Маҳаллий сув ресурслари: коллектор-зовур, оқова ва чиқинди сувлар.

## **Сувларнинг сифати ва суғориш учун яроқлилиги. Суғоришнинг тупроқ ва микроиқлимга таъсири**

Сувларнинг сифати ва уларни суғориш учун яроқлилиги. Сув сифатини тупроқ ва ўсимликларга таъсири. Сув сифатини яхшилаш. Сувларни суғориш учун яроқлилигини аниқлаш услублари.

Суғоришнинг тупроқ ва микроиқлимга таъсири. Суғориладиган ерларнинг сув режими ва баланси.

### **Суғориш турлари ва ноўсув давридаги суғоришлар**

Суғориш турлари: намиқтирувчи, намиқтирувчи-шўр ювиш, махсус, мунтазам, номунтазам, лиман суғориш, ялпи (ёппасига) суғоришлар.

Ноўсув давридаги суғоришлар: шудгордан олдин суғориш, шўр ювиш, нам тўплаш мақсадида суғориш, экишдан олдин суғориш, уруғ суви бериш, провакацион суғориш, нам тўплаш-ўғитлаш мақсадида суғориш, совук уришига қарши суғориш.

### **Ўсимликларнинг сув режими**

Сувнинг ўсимлик ҳаётидаги аҳамияти. Транспирация ва унинг аҳамияти. Ўсимликларнинг сувга муносабати. Сув ва озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши. Ўсимликларнинг сувга бўлган умумий эҳтиёжи. Ўсимликларнинг сув истеъмол қилиш динамикаси. Тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда ўсимлик органларининг ўсиш тавсифи.

### **Суғориладиган ерларни районлаштириш**

Суғориладиган ерларни районлаштириш тамойилларива мақсадлари. Иқлим минтақалари: шимолий, марказий ва жанубий. Гидрогеологик районлар ва коэф-фициентлар. Гидромодуль районлар.

### **Экинларни суғориш режими**

Суғориш режими тушунчаси. Мавсумий суғориш меъёри. Суғориш меъёри. Ҳисобий қатlam қалинлиги. Суғориш сони, суғориш давомийлиги, мавсум давомийлиги, суғоришлар орасидаги давр. Экинларни суғориш режимини белгиловчи омиллар: иқлим, тупроқ, гидрогеологик ва хўжалик шароитлари, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари.

Суғориш муддатларини ўсимликларнинг физиологик кўрсаткичлари (баргнинг сўриш кучи, хужайра ширасининг концентрацияси); ўсимликларнинг ташқи белгилари (баргнинг ранги, тургор ҳолати, асосий поянинг ўсиш жадаллиги, гуллаш жадаллиги); тупроқ намлигига кўра аниқлаш.

Экинларни суғориш схемаси. Суғориш гидромодули ва графиги. Табақалаштирилган ва табақалаштирилмаган суғориш гидромодули графиги.

## **Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш**

Ғўзани суғориш режими. Иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар ва гидромодуль районлар бўйича районлаштирилган ғўза навларини суғориш режими ва ўлчамлари.

Буғдойни суғориш режими. Иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар ва гидромодуль районлар бўйича кузги, баҳори, юмшоқ ва қаттиқ буғдойни суғориш режими ва ўлчамлари.

Бедани суғориш режими. Иқлим минтақалари ва гидромодуль районлар бўйича бедани суғориш режими ва ўлчамлари.

Шолини суғориш режими. Шолини суғориш усуллари, режими ва ўлчамлари.

## **Экинларни суғориш усуллари ва техникаси**

Суғориш техникаси ва усулларини қўллаш шароитлари. Суғориш усуллари: ер юзасидан (эгатлаб, йўлаклаб ва чек олиб бостириб) суғориш; ёмғирлатиб суғориш; тупроқ орасидан суғориш; томчилатиб суғориш; аэрозоль суғориш ва суббирригация. Эгатлаб суғориш техникаси элементлари. Эгатларга сув тақсимлаш техникаси ҳамда машина ва агрегатлари.

Ёмғирлатиб суғориш турлари ва уларнинг сифат тавсифи. Ёмғирлатиб суғориш машина ва агрегатлари. Импульсли ёмғирлатиб суғориш. Тупроқ орасидан суғориш тизими. Томчилатиб суғориш тизими. Аэрозоль суғориш. Ирригация эрозияси ва уни олдини олиш тадбирлари. Суғориш усуллари ва техникасининг техник иқтисодий кўрсаткичлари.

Суғоришнинг сувтежамкор илгор хориж технологиялари ва улардан фойдаланиш.

## **Суғориш тизимларининг турлари ва таркибий қисмлари**

Хўжаликларо ва хўжалик суғориш тизимлари. Очиқ, ёпиқ ва аралаш тизимлар. Сув ўз оқими билан, механик, аралаш типда узатилувчи тизимлар. Кўчмас, яrim кўчма ва кўчма тизимлар. Суғориш тармоқлари. Темирбетон нов (лоток канал)лар. Муваққат суғориш тармоқлари. Муваққат суғориш тармоқларини суғориш участкаларида жойлаштириш схемалари. Сув йиғиш-ташама (оқова) тармоқлари. Коллектор-зовур тармоқлари.

## **Шолицилик ва маҳсус сұғориши тизимлари**

Шолицилик тизимларининг турлари ва таркибий қисмлари. Сув узатиши тармоқлари. Шолицилик карталари. Картал сұғориши тармоқлари. Инженерлик, ярим инженерлик ва ноинженерлик тизимлар. Шолицилик тизимларидан ерларни текислаш. Шолицилик тизимларидан фойдаланиш. Чиқинди сувлардан фойдаланыладиган маҳсус сұғориши тизимларининг үзига хос хусусиятлари.

Чиқинди сувлар билан әкінларни сұғориши усуллари. Чиқинди сувлар билан ёмғирлатып сұғориши хусусиятлари.

### **Сұғориши тизимларидан сув исрофгарчилиги. Тизимнинг фойдали иш коэффициенти ва уни ошириши тадбирлари**

Сұғориши тармоқларининг ҳисобий сув сарфи. Сув исрофгарчилиги турлари. Сув исрофгарчилигига қарши кураш тадбирлари: үзанни зичлаш, юмшатиши, кольматаж қилиш, битумлаш, силикатлиш, үзанга ош тузи билан ишлов бериш; үзанни маҳсус экранлар – лой, лой-бетон, бентонит-гил, асфальт-бетон, бетон ва темир-бетон, полимер плёнка қопламалар билан қоплаш.

### **Сувдан режали фойдаланиш**

Сувдан фойдаланиш режасини тузиш тамойиллари. Экінларни сұғориши режими ведомости. Экінларни сұғориши учун талаб этилаётган декадалик сув миқдорлари ведомости. Хұжаликка сув олиш учун талабнома. Сұғоришиларни экін қатор ораларига ишлов бериш билан мувофиқлаштириш.

### **Сұғориши тизимларидан сув ўлчаш**

Сұғориши тизимларидан гидрометрия хизмати. Каналларнинг сув сарфинаң ўлчаш постлари ва услублари. Мұваққат сұғориши тармоқларидан сув ўлчаш: Чиполетти ва Томсон сув ўлчагиchlари, улардан фойдаланиш қоидалари ва сув сарфини аниклаш. Маҳсус жадваллардан фойдаланиш.

### **Сұғориши тизимлари ҳудудини ва сұғориши ташкил этиш**

Сұғориладиган ерларни текислаш. Ер текислигининг аҳамияти. Ер текислашга қўйилган талаблар. Ер текислаш турлари. Ер текислашларда қўлланиладиган қуроллар.

Сұғориши ташкил этиш: тизимни мавсумга тайёрлаш, тизимда бажариладиган кузги-қишки ва баҳорги ишлар. Сувдан фойдаланиш режалари-

га тегишли тузатишлар киритиш, суғоришни амалга ошириш. Сувдан фойдаланишнинг ҳисоби ва назорати.

### **Амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақола ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали материаллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Амалий машғулотларда талабалар сувларнинг суғориш учун яроқлилигини, тупроқнинг сув баланси ва экинларнинг суғориш режимини аниқлаш, суғориш режими ведомости ва суғориш гидромодули графигини тузиш, суғориш техникаси элементларини ҳисоблаш, суғориш тармоқларини жойлаштириш схемалари ва уларнинг сув сарфини аниқлаш, сувдан фойдаланиш режасини тузиш, суғоришларни қатор ораларига ишлов бериш тадбирлари билан мувофиқлаштириш, сув исрофгарчилигини аниқлаш ва уларнинг фойдали иш коэффициентларини ҳисоблаш, суғоришга берилаётган ва оқова сув микдорларини ҳисобга олиш асосларини ўрганидилар, сув истеъмолчилари ва сувдан истеъмолчилари уюшмалари ўртасидаги сув хўжалик муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатлар билан танишадилар.

Амалий машғулотларнинг тавсия этиладиган тахминий мавзулари:

- 1.Сувларнинг сифати ва суғориш учун яроқлилигини аниқлаш.
- 2.Сувнинг таркибида тузларнинг йўл қўйиладиган микдорини аниқлаш (Минашина Н.Т. бўйича).
3. Экинларни суғориш режимини аниқлаш.
- 4.Суғориш гидромодули графигини тузиш.
- 5.Эгатлаб суғориш техникаси элементларини ҳисоблаш.
- 6.Йўлаклаб бостириб суғориш меъёри ва давомийлигини ҳисоблаш ҳисоб-лаш.
7. Каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини аниқлаш
- 8.Шолицилик хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш режасини тузиш.
- 9.Каналларнинг сув исрофгарчилиги ва фойдали иш коэффициентини ҳисоблаш.
- 10.Хўжалик сувдан фойдаланиш режасини тузиш.
- 11.Суғоришларнинг тезкор режа-графикларини тузиш.
12. Муваққат суғориш тармоқларида сув ўлчаш.

13. Сувдан фойдаланувчилар ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ўртасидаги сув хўжалик муносабатларни тартибга солувчи хужжатлар.

### **Курс лойиҳасини ташкил этиш бўйича услугий кўрсатмалар**

Курс лойиҳаси икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми рефератив қисм бўлиб, у адабиётлар шарҳига бағишиланади. Ушбу қисм қуидаги кичик бўлимларни ўз ичига олади:

«Кириш» – бу ерда талаба республика сув-хўжалик мажмуасининг ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш вазифалари ҳақида тўхталади. Шунингдек, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид қонун ва меъёрий хужжатлар ҳамда уларнинг аҳамияти келтирилади.

«Хўжалик суғориш тизими жойлашган минтақанинг табиий шароитлари» қисмida суғориш тизими жойлашган ҳудуд, унинг чегаралари ва умумий майдони; иқлим шароити; рельефи; тупроқ (унинг тури, унумдорлиги, мелиоратив ҳолати, сув – физик хусусиятлари); гидрогеологик шароитлари (сизот сувлари чуқурлиги, минераллашганлик даражаси, оқибчиқиб кетиши шароитлари) ва сув манбалари келтирилади.

«Хўжалик суғориш тизими ҳолатининг техник тавсифи» қисмida эса тизимнинг майдони (нетто ва брутто), тизимнинг тури, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларининг умумий ва солиштирма узунлиги, конструкцияси, гидротехник иншоотлар билан таъминланганлиги, сув исрофгарчилиги ва тизимни фойдали иш коэффициенти, қўлланилаётган суғориш усуллари ва техникаси, уларнинг қиёсий баҳоси, экинлар структураси, уларни ҳисобий суғориш режими ёритилади.

«Хўжалик суғориш тизимидан фойдаланиш» қисмida суғориш тизимини сув олишга тайёрлаш, тизимни ва ундаги гидротехник иншоатларни таъмирлаш, лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш, суғоришни ташкил этиш ва амалга ошириш, сув ўлчаш-тақсимлаш масалалари, муваққат суғориш тармоғи олиш ва суғоришлардан кейин қатор ораларига ишлов бериш технологияси, тизимни суғорилмайдиган (қишки) даврга тайёрлаш каби масалалар ёритилади. Шунингдек, бу ерда тизимни ривожлантириш ва иш ҳолатида тутиб туриш, таъмирлаш режалари, яъни тармоқларни қўшимча жиҳозлаш ва қайта қуриш, суғориш усулларини такомиллаштириш йўллари, ерларни текислаш тури ва кўлами, гидрометрик хизматни такомиллаштириш, йўл, алоқа воситалари, ихота дараҳтзорларини яхшилаш каби масалалар ёритилади.

«Суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти ва уни ошириш тадбирлари» қисмida суғориш тармоқларини фильтрацияга қарши «экран»лар билан жиҳозлаш, суғориш режимини мўътадиллаштириш, суғоришни тежамли усулларидан фойдаланиш, суғориш техникаси элементларини тўғри танлаш, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини режали жойлаштириш каби масалалар ёритилади.

«Хўжалик сувдан фойдаланиш режаси ва уни амалга ошириш» қисмида эса хўжалик тизимида сувдан режали фойдаланишни тузиш тамойиллари, уни амалга ошириш, сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва суғоришларни ҳисобга олиш, тезкор режа графиклар тузиш масалалари ёритилади.

«Хулоса ва таклифлар» қисмида эса рефератив бўлим бўйича хўжалик суғориш тизимини ривожлантириш ва уни яхшилаш тадбирлари келтирилади.

Ишнинг иккинчи қисми, яъни лойиҳа қисмини бажариш учун ушбу маҳсус ишлаб чиқилган услубий кўрсатмадан фойдаланилади. Курс лойиҳаси бўйича иш вариантлари ўқитувчи томонидан берилади.

### **Мустақил ишини ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуидаги шакллардан фойдаланилади:

- фаннинг айрим мавзуларини тавсия этилган ўқув ва ўқув-услубий адабиётлардан фойдаланган ҳолда мустақил ўзлаштириш;
- амалий машғулотларга мустақил тайёргарлик кўриб бориш;
- мустақил ўрганиладиган мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш;
- талабаларнинг илмий жамиятлари ва тўгаракларида иштирок этиш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза матнларини тайёрлаш;
- ахборот-ресурс марказида бслгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йифиш, уларни қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш;
- белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тақдимот материаллари тайёрлаш;
- талабалар тураг жойида, маънавият хонаси, кутубхона, замонавий ахборот технологиялар маркази имкониятларидан фойдаланилган ҳолда мустақил ўкиш жараёнларида иштирок этиш;
- кафедранинг илмий ҳамда илмий-услубий ишларида иштирок этиш ва бошқалар.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Суғоришда коллектор-зовур ва чиқинди сувлардан фойдаланиш.
2. Иқлим минтақалари ва гидромодуль районлар бўйича маккажўхорини суғориш режими.
3. Суғориладиган дехқончилик шароитида гербицид ва ўғитлардан фойдаланиш хусусиятлари.
4. Тоф олди районларида тупроқ устидан суғориш хусусиятлари.
5. Тупроқ эритмасининг концентрациясини аниqlаш.

6. Суғориладиган ерларда сизот сувларнинг қўтарилиш сатҳини аниқлаш.
7. Тупроқ ва сизот сувлар орасида бўладиган йиллик сув алмашинишни аниқлаш.
8. Тупроқ намлиги ва сув захираларини аниқлаш.
9. Шолиҷилик даласининг сув-хўжалик ҳисоби.
10. Суғориладиган участканинг сув балансини аниқлаш.
11. Чиқинди сувлардан фодаланиладиган сугориш тизимлари майдонини ҳисоблаш.
12. Сув узатиш ва тақсимлаш шлангларини ҳисоблаш.
13. Ёмғирлатиб сугориш техникаси элементларини ҳисоблаш.
14. Қувурларнинг сув сарфини аниқлаш.

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида компьютер технологиялари ёрдамида презантациян ва электрон-дидактик технологияларни қўллаш;
- амалий машғулотларда ақлий хужум, кластер, блиц-сўров, гурух билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс стади гурухли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш.
- курс лойиҳасини бажаришда маҳсус технологик дастурлардан фойдаланиш;
- мустақил ишларни бажаришда тавсия этилган Интернет манбаларидан фойдаланиш;

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Artukmetov Z.A., Sheraliyev H. Ekinlarni sug‘orish asoslari. O‘quv qo‘llanma. T.: O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti, 2007. 320 b.
2. Artukmetov Z.A. Ekinlarni sugarish asoslari va sug‘orish tizimlaridan foydalanish fanlaridan amaliy tajriba mashg‘uiotlari. O‘quv qollanma. T.: ToshDAU tahr.-nashr. bo‘limi, 2009.–160 b.
- 3.B.Chandrasekaran, K. Annadurai, E. Somasundaram, 2010. A text-book of Agronomy. New Delhi. New age International (p) Limited, Publi-shers.

#### **Кўшимча адабиётлар:**

1. Артуқметов З.А., Шералиев Х.Ш. Экинларни сугориш асослари. Дарслар. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006.–344 б.

- 2.Артукметов З.А. Экинларни суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш. (Маъруза матнлари). Т.: ТошДАУ таҳр.-нашр. бўлими, 2012. – 108 б.
- 3.Артукметов З.А., Шералиев Х. Суғориш асослари. Маъруза матнлари. – Т.: ТошДАУ таҳр.-нашр. бўлими, 2000. – 40 б.
- 4.Артукметов З.А., Алланов Х.К. Суғориш технологиялари ва улардан фойдаланиш. Ўқув қўлланма. Т.: ТошДАУ таҳр-нашр. бўлими, 2010. – 132 б.
- 5.Артукметов З.А., Шодмонов М., Шукруллаев Х. ва б. Суғориш тизимлари ва улардан фойдаланиш. Маъруза матнлари. – Т.: ТошДАУ таҳр.-нашр. бўлими, 2000. – 106 б.
- 6.Артукметов З.А., Ишпулатов Т.М. Определение качества и пригодности воды для орошения сельскохозяйственных культур. Методические указания.–Т.: Тип.ТашГУ, 1994.–8 с.
- 7.Артукметов З.А. Сувдан фойдаланиш режасини тузиш. Услубий кўрсатма. – Т.: ТошДАУ нашр.-таҳр. бўлими, 2004. – 17 б.
- 8.Артукметов З.А., Салиев Б.К., Анарметов Р. ва б. Сув ўлчашни ташкил этиш. Услубий кўрсатма.– Т.: ТошДАУ таҳр.-нашр. бўлими, 2004. – 43 б.
- 9.Багров М.Н., Кружилин И.П. Оросительные системы и их эксплуатация. Учебное пособие. – М.: Колос, 1986. – 240 б.
- 10.Бочарин А.В. ва б. Ширкат хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчи уюшмаларнинг гидротехниклари учун ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2000. – 117 б.
- 11.Лев В.Т. Орошение риса в Узбекистане. Учебное пособие – Т.: Укитувчи, 1983. – 216 с.
- 12.Лев В.Т., Артукметов З.А. Сточные воды и орошение. Брошюра.– Т.: Мехнат, 1990. –112 с.
- 13.Мелиорация и водное хозяйство. 6. Орошение: Справочник /Под ред. Б.Б.Шумакова. – М.: Агропромиздат, 1990. – 415 с.
- 14.Натальчук М.Ф., Ахмедов Х.А., Ольгаренко В.И. Эксплуатация гидромелиоративных систем. Учебное прособие.– М.: Колос, 1983. – 279 с.
- 15.Рахимбаев Ф.И. ва б. Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Мехнат, 1994.
- 16.Сандигурский Д.М., Безроднов Н.А. Механизация поливных работ. 2-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Колос, 1983. – 288 с.

### **Қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:**

- 1.Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида. ЎзР қонуни. 1993 йил 6- май.
- 2.2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида. ЎзР Президентининг 2013 йил 29- апрелдаги Фармони (ПҚ-1958).

3. Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида. ЎзР ВМ нинг 2013 йил 21- июндаги 176-сонли қарори.

4. 2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида. ЎзР ВМ нинг 2014 йил 24- февралдаги 39- сон қарори.

#### **Интернет сайтлар:**

1. The Pacific northwestirrigator'spocket Guide. Key Organizations & Resources for Irrigators in the Pacific Northwest: Idaho, Oregon, and Washington Copyright © 2009 National Center for Appropriate Technology. 3040 Continental Drive. P.O. Box 3838. Butte, MT 59702-3838. 1-800-ASK-NCAT. [www.ncat.org](http://www.ncat.org).

2. Irrigation in Central Asia Social, Economic and Environmental. Considerations Julia Bucknall, Irina Klytchnikova, Julian Lampietti, Mark Lundell, Monica catasta, Mike Thurman. The World Bank, February 2003. [www.worldbank.org/eca /enviro-nment](http://www.worldbank.org/eca/enviro-nment).

3. Irrigation for a Growing World Anthony lafetra. President Rain Bird Corporation 145 North Grand Avenue • Glendora, CA 91741 USA • (626) 963-9311 • Fax (626) 963-4287 [www.rainbird.com](http://www.rainbird.com) 2003. Rain Bird Corporation.

4. Экологические проблемы Афганистана и других Центрально Азиатских стран. Институт мировых ресурсов. [http://www.wri.org/wri/central\\_asia/](http://www.wri.org/wri/central_asia/).

5. Новые технологии на службе человеческому развитию. ПРОН, Нью Йорк-Окс-форд, 2001, <http://www.undp.org/hidro/>.

6. Окружающая среда Центральной Азии 2000, ЮНЕП/ГРИД-Арендал, <http://www.grida.no./aral/>

7. <http://www.grida.no./aral/>.

8. <http://www.TSAU.uz>.

9. [www.Ca water-info.net](http://www.Ca water-info.net).

